

АМЕРИКА ОҚ КАПАЛАГИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ЗАРАРИНИ
ЎРГАНИШ.

Эргашова Хуснидабону Иброҳимовна
Ассистент,
Сотиболдиева Умида
талаба
Андижон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институти

Аннотация: Америка оқ капалаги тарқалиши, биоэкологияси, зарари ва авлод бериши ҳақида келтирилган.

Калит сўзлар: ўрмон дарахтлари, тут, Америка оқ капалаги, тухум, личинка, ғумбак, етук зот.

БИОЭКОЛОГИЯ И ИЗУЧЕНИЕ ПОВРЕЖДЕННОСТИ АМЕРИКАНСКОЙ
БЕЛОЙ БАБОЧКИ.

Эргашова Хуснидабону Ибрагимовна
Ассистент,
Сотиболдиева Умида
студент
Андижанское сельское хозяйство
и Институт агротехнологий

Аннотация: Распространение американской белой бабочки, биоэкология, ущерб и упоминается о поколении.

Ключевые слова: лесные деревья, шелковица, американская белая бабочка, яйцо, личинка, гриб, взрослая особь.

BIOECOLOGY AND DAMAGE STUDY OF THE AMERICAN WHITE
BUTTERFLY.

Ergashova Khusnidabonu Ibrahimovna
Assistant,
Sotiboldieva Umida
student
Andijan agriculture
and Institute of Agrotechnologies

Abstract: Distribution of the American white butterfly, bioecology, damage and Generation is mentioned.

Key words: forest trees, mulberry, American white butterfly, egg, larva, mushroom, adult.


Мамлакатимизда мевали боғларни кўпайтириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд, хусусан табиий иқлим шароитлари ҳам мевали дарахтларни экиб ўстиришга қулайдир. Аммо кўпчилик мевали дарахтлар бир ерда кўп йил ўсиши туфайли зараркунандалар кўпайиб, илдиздан тортиб меваларгача катта зарар етказди.

Америка оқ капалаги- *Huphantia cunea* Lepidoptera туркуми, Aretidae оиласига мансуб. Ўрмон дарахтлари, тут ва мевали дарахтлар учун катта хавф туғдирувчи хашарот.

Бу хашаротнинг ватани Шимолий Америка ва Канаданинг жанубий худудлари ҳисобланади. Ҳозирда бу хашарот кўпгина Европа мамлакатларида ҳам мавжуд.

Капалаги йирик, қанотини ёзганда 4-5 см келади. Ранги оқ, урғочисининг мўйлови ипсимон, эркагиники патсимон. Тухумдан юмалоқ (0,6 мм), оч яшилдан сарғиш-ҳаворанггача товланиб туради. Қуртлари йирик, 3.0-3.5 см келади, орқаси бўйлаб 2 қатор ва ёнларида 4 қатор сўгалчалари бор, улардан узун туклар чиқиб туради. Дастлабки ёш қуртлари-оч сариқ, боши қора, сўгалчаларидаги қилчалари узун, қора ва оқ калта туклари бўлади. Катта ёшдаги қуртларнинг туси ўзгаради, унинг орқа томони силлиқ, сариқ орқадаги сўгалчалари қора бўлиб, танасининг икки ёнидан биттадан сариқ, кенг тасма чизик ўтади, боши ва оёқлари ялтироқ қора тусда. Ғумбаги 8-10 мм, ранги тўқ қўнғир, танасининг охирида 10-19 та қармоқсимон қиллари бор. Ғумбаги сийрак пилла ичида жойлашади.

Америка оқ капалаги ғумбаклик шаклида турли пана жойларда: пўстлоқ ости, новдалар айрилган жойлар, тут каллаклари, хазон ости ва тупроқнинг тепа қатламларида қишлаб чиқади.



Баҳорда кунлар исиши билан капалаклар учиб чиқади ва тунги ҳаёт кечиради. Тухумини тўп-тўп қилиб (одатда 400-500 тадан), жами 2000 тагача қўяди. Тухум тўдасининг устини тана туклари билан беркитиб кетади. Тухумларнинг инкубация даври 5-10 кунга чўзилиши мумкин. Тухумдан очиб чиққан куртлар дастлаб очик яшай бошлайди. Бешинчи ёшдан бошлаб куртлар ўргимчак остидан чиқади ва якка-якка бўлиб яшашга киришади. Куртлар жами 7 ёшни кечиради. Куртлик даври учун оқ капалак 45-55 кунни талаб этади. Шундан кейин ғумбакланади ва 8-14 кундан кейин иккинчи бўғин капалаклари учиб чиқади. Ушбу хашарот бир мавсумда 2-3 бўғин бериши мумкин.

Америка оқ капалагини кириб келишини олдини олиш каттик карантин чораларни Республика Давлат карантин инспекцияси ва унинг вилоятлардаги мутахассислари томонидан қўлланиладиган чоралар билан бир вақтда барча кишлок аҳлисига мурожаат қиламиз, нотаниш зарарли хашарот пайдо бўлиши аниқланса тезда карантин инспекциясига хабар бериш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хужаев Ш. Т, Холмуродов Э. А “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларни химояси, қишлоқ ва агротоксикология асослари” Тошкент-2009й.
2. Кимсанбоев Х.Х. ва бошқа “Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси” Тошкент-2002 й
3. Турдиева, Г. А., Камбарова, М. А., & Эргашева, Х. И. (2019). Применение гербицида Зета в выращивании озимого нута. *Инновационная наука*, (5).
4. Хайдаров, Ж., Мамадалиев, М., Эргашова, Х., & Орифжонова, У. (2021, August). USE OF BIOLOGICALLY ACTIVE SUBSTANCES IN PEST CONTROL: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1353>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).